




Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

УЛУҒ ЙЎЛГА ЧИҚҚАН
ШАВКАТЛИ ХАЛҚ БУ!

Қирғизистоннинг Ўш вилоятида бир оғайним бор, исми Қувончбек. Яқинда у билан кўришиб қолдик. Асли суҳбати ширин инсон эмасми, анча гаплашиб ўтирдик. У сўз орасида мен мутлақо кутмаган фикрни айтди: — Мен халқингизга ҳавас қиламан, — деди у. — Президентингиз зўр-да! Одамлар билан учрашганда қўли доим кўксида туради, кексалар билан кўшқўллаб кўришади. Чехраси ҳамиша очик. Балки Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти, дунё тан олаётган ислохотлари, юртингизга ёғилаётган хайр-баракат ҳамда тинч ва осуда ҳаётингизнинг сабаби шундир, яъни мамлакат раҳбарининг ўз элига чексиз меҳридандир.

Бу гаплар менга қаттиқ таъсир қилди. Бағрим сим-сим эриб, киприкларим ости ачишди. Қалбим фахр-ифтихорга, ғурурга тўлди. У менинг Президентим ҳақида шундай илик гапларни гапирди. Агар Президент давлатнинг рамзи эканини ҳисобга олсак, Қувончбек Ватанимнинг, халқимнинг ўз тасаввуридидаги гўзал суратини таърифлаб берди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Дўрмон” ижод уйида яшаётган пайтларим

эди. Ёзнинг аввали. Баҳаво жой эмасми, бомдоддан сўнг сайр қилишни яхши кўрадим. Бир куни энди дарвозадан ҳатлаганимда меҳмонхона томондан кекса журналист-ёзувчиларимиздан бири чиқиб қолди-да, мени ўзи сари чорлади. Бориб сўрашдим.

— Юринг, қуёшнинг чиқишини томоша қиламиз, — деди боладек завқланиб.

Рози бўлдим. Чунки ҳар кунги сайр онларимга ўзгача маъно кираётгандек эди-да.

Уфқни кўриш учун дов-дарахтдан йироқ, очик манзилни топиш лозим. Шундай ҳам қилдик. Еру осмоннинг чети хира қизара бошлади. Олам осуда, ҳатто субҳи содиқ қушлари ҳам сайрашни унутгандек. Бутун вужудимизга ҳаловат, завқ сурур, орзу-мандлик сингаётгандек. Ана, тонг отмоқда! Оллоҳ таоло чексиз меҳр-муҳаббати ила бино этган умидли дунёда ҳаёт уйғонмоқда! Тинч, осойишта ва шукўхли ҳаёт! Озод

Ватаним қуёшнинг — тирикликнинг илк нурларига юз тутмоқда. Ишонинг, бундан гўзал, бундан ҳаётбахш манзара бўлмаса керак. Ана, ўшанда ота-боболаримизнинг, она-момоларимизнинг, умуман, халқимизнинг ҳар ибодатининг адоғида, ҳар сафар дастурхон йиғиштирилаётганда Яратгандан “Тинчлик-хотиржамлик бергин!” дея дуо қилишининг чин маъносига етгандек бўлдим.

Давоми 3-бетда

“Тадбиркорликни ривожлантириш — биз учун стратегик вазифа. Бизнинг таянчимиз ҳам, суянчимиз ҳам, энг катта кучимиз ҳам ушбу соҳада мужассам. Шу боис, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш марказдан тортиб, энг куйи бўйингача — барча раҳбарларнинг кундалик вазифаси бўлиши шарт”, дея таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари.

ЮРТ ТАЯНЧИ ҲАМ, СУЯНЧИ
ҲАМ — ТАДБИРКОРЛИК

Тадбиркорлар ҳақидаги ушбу фикр бугунги кунда ишбилармонлик фаолиятининг аҳоли фаровонлиги ва мамлакат тараққиётидаги муҳим ўрни ва аҳамиятини айнан ифода этади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодий тизимдан эркин бозор иқтисодиётига ўтишни ўз олдида стратегик мақсад қилиб қўйди. Бу трансформация жараёнида хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик субъектларини сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ҳамда уларга қулай шарт-шароитлар яратиш вазифаси белгиланди.

Собик иттифок даврида хусусий мулкчилик ва хусусий тадбиркорлик қонуан таъқиқланган ва мафкуравий жиҳатдан бутунлай инкор этилган эди. Иқтисодиёт тўлиқ давлат назорати ва режали тизимга асослангани боис, хусусий

мулкка эга бўлиш қонун йўли билан чеклаб қўйилганди.

Шу сабаб янги давлатчиликнинг илк кунлариданоқ хусусий секторни шакллантириш ва фуқароларнинг иқтисодий фаоллигини ҳуқуқий жиҳатдан қафолатлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган 35 йил давомида Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос сиёсий-ҳуқуқий модели шаклланди. Мустақиллик йилларида тадбиркорлик соҳаси нафақат ялли ички махсулот ҳажмини шакллантирувчи асосий кучга, балки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминловчи ҳамда халқаро майдондаги нуфузини белгилла берувчи стратегик драйверга айланиб улгурди.

Давоми 4-бетда

МАҲАЛЛАГА САНОАТ КИРМОҚДА

Чиқиндидан экспортбоп маҳсулот

Кейинги йилларда тадбиркорлик билан боғлиқ анъаналар ривожланиб, тараққий этиб бораётгани боис, ташаббуслар ҳам ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланиб, тажрибалар оммалашяпти. Эндиликда чекка кишлоқ ва маҳаллаларда ҳам истиқболли sanoat лойиҳалари ишга туширилиб, аҳоли фаровонлиги ортиб бормоқда.

Учқўприк туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида бу борадаги ибратли тажриба ва ташаббуслар кенг оммалашяпти. Натижада маҳаллий хомашёдан тайёр ва ярим тайёр sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, экспорт географияси кенгаймоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда 442,5 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Бу ўтган йилдагидан деярли 1,5 баробар

кўп. Инвестициянинг асосий қисми sanoat йўналишида ишга туширилаётган лойиҳалар ҳиссасига тўғри келади.

“Dafa Fiber” қўшма корхонасида сунъий синтефон тоғалар ишлаб чиқарилади. Бу ерда 8 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, 80 та доимий иш ўрни яратилди.

Давоми 2-бетда



Янги Ўзбекистон бунёдкорлари

Дунё миқёсида технологиялар жадал ривожланмоқда. Ишлаб чиқариш жараёни такомиллашиб, шунга монанд янги касблар пайдо бўлмоқда. Бундай шароитда рақобатбардош, тез мослашувчан ва энг замонавий билимларни чуқур эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш, ёшларнинг амалий билим ва кўникмаларини ошириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Негаки саноат фақат дипломга эга бўлган эмас, балки ўз ишини пухта биладиган, янгиликка интиладиган, муаммоларга ижодий ёндаша оладиган мутахассислар керак.



Давоми 5-бетда



Обод манзиллар

ЖАРАНГЛАБ ОЧИЛГАН
ОЛТИН САНДИҚЛАР

Давоми 2-бетда

Муносабат

Ташаббус қанот ёзди

ЯНАДА ШАФФОФ ВА САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАР

МАҲАЛЛАГА САНОАТ КИРМОҚДА ЧИҚИНДИДАН ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТ

Бошланиши 1-бетда

Ижтимоий хизматларнинг айнан маҳалла тизими орқали ташкил этилаётганида ҳам маъно бор. Яъни маҳалла ҳар бир хонадоннинг аҳволидан хабардор, қайси оила қўллаб-қувватлашга муҳтожлиги, қайси кексанинг парваришга эҳтиёжи борлиги ёки қайси болага таълим ва ижтимоий хизматлар зарурлигини бошқалардан қўра яхшироқ билади. Шу маънода, маҳалла нафақат аҳолини бирлаштирувчи ижтимоий тузилма, балки давлатнинг инсонпарварлик сиёсатини ҳаётга тағбиқ этувчи ноёб институтга айланмоқда.

Тақдиримотда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар масаласига урғу берилгани ҳам бежиз эмас. Зеро, ҳар қандай давлатнинг тараққиёти ёки жамиятнинг маънавий камолоти, энг аввало, унинг ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар, айниқса, болаларга муносабати билан ўлчанади. Чунки ҳар бир бола жисмоний ёки функционал имкониятларидан қатъи назар, билим олиш, ўз иқтидорини рўёбга чиқариш ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаш ҳуқуқига эга.

Бутун мамлакатимизда ногиронлиги бўлган 168 мингдан ортиқ бола истиқомат қилади. Кейинги йилларда уларни таълимга қамраб олиш борасида сезиларли ишлар қилинди. Замонавий инклюзив таълим муҳитини шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар бошланди. Шунга қарамай, ҳали ҳам қарийб 35 минг боланинг таълим жараёнидан четда қолаётгани бу соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар кўпчилигини кўрсатади. Бу рақамлар ортда орзу-умид билан яшашга, билим олишга интилаётган, аммо турли тўсиқлар тўғйили ўз имкониятини тўла намоён эта олмаётган минглаб болалар тақдири турибди.

Шу боис, мазкур масалага фақат таълим соҳасининг вазифаси сифатида эмас, балки бутун жамиятнинг умумий масъулияти сифатида ёндашиш тўғри бўлади. Бинобарин, ҳар бир боланинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, келажагига сармоя киришти билимли, мустақил ва фаол фуқарони тарбиялаш демакдир. Инклюзив таълимни ривожлантириш эса фақат имконияти чекланган болалар учун эмас, балки багрикенглик, тенглик ва ижтимоий адолат тамойиллари қарор топган жамиятни барпо этиш йўлидаги муҳим қадам.

Хар бир бола мамлакатимиз келажагидир. Шу боис, унинг сифатли таълим олиши ва қобилиятини рўёбга чиқариши давлат сиёсатидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиши лозим. Ана шу ҳаётий тамойилдан келиб чиқиб, ҳар бир бола билан “оилабай” ишлаш тизимининг жорий этилиши аини мудоао. Шу орқали боланинг эҳтиёжлари эрта аниқланиб, соғлиги, функционал имкониятлари ва ривожланиш даражаси комплекс баҳоланади ҳамда унга мос таълим ва ижтимоий

Ўктамжон ОХУНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

хизматлар ташкил этилади. Энг муҳими, мазкур ёндашув ҳар бир боланинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда манзилли қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

Тақдиримотда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар тақдирига дахлдор таклифлар ҳам эътиборга молик. Илгари бундай муассасалар асосан вақтинчалик бошпана вазифасини бажарган бўлса, энди улар инсонни ҳаётга қайтаришга хизмат қиладиган ижтимоий тикланиш марказларига айланади. Жумладан, уларда ҳужжатларини тиклаш, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш, касб ўргатиш ҳамда ишга жойлашишида кўмаклашиш каби хизматлар йўлга қўйилади.

Шунингдек, одам савдосидан жабрланганларни эрта аниқлаш, уларга тиббий, психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳам таклифлар ишлаб чиқилган. Бундай инсонларга фақат моддий ёрдам эмас, балки жамиятга қайта мослашиш ва муносиб ҳаётни бошлаш учун комплекс кўмак зарур. Бу борада “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларининг ваколати кенгайиши тизим самарадорлигини янада оширади.

“

Имтиёзли транспорт хизматларини рақамлаштиришга қаратилган ташаббуслар эса ижтимоий ҳимоя соҳасига рақамли технологияларни кенг жорий этиш йўлидаги муҳим қадам бўлади. Бу орқали хизматлардан фойдаланишда инсон омили иштироки кискаради, ортиқча қоғозбозлик барҳам топади. Имтиёзлар ҳақиқий эҳтиёжмандларга тез ва шаффоф етказилади.



Чорвачилик ва паррандачилик қишлоқ хўжалигининг энг муҳим, сердаромад ва истиқболли тармоқларидан бири. Уларнинг изчил ривожига мамлакатимизда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, бозорларимизда гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар мўл-кўллигини ошириш, маҳсулотлар нархи барқарорлигини сақлашга муносиб ҳисса қўшади. Айниқса, қишлоқ жойларда чорвачилик ва паррандачилик аҳоли бандлигини таъминлаш, оилаларга барқарор даромад ва рўзгор фаровонлиги олиб киришда муҳим ўрин тутати.

Сўнгги йилларда чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш, халқимизни арзон ва сифатли гўшт ва бошқа озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, саноат усулида қайта ишлаш ҳажмини ошириш ҳамда уларнинг турларини кенгайтириш бўйича кенг кўламли ўзгаришларга қўл урилди. Охириги ўн йилда тармоқда катта янгиланишлар бўлди. Кўп йиллаб ечимлай, фермерларни ташвишга солиб келган муаммолар қисқа фурсатда ҳал этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли сони барқарор ўсиши ва туризм оқими тобора

“

Тадбиркорлик лойиҳаларини бошламоқчи бўлган ташаббускорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, имтиёзли кредитлар олишга кўмаклашяпмиз. Ўтган йили маҳалла тадбиркорлари учун 523 миллион сўм кредит ажратилган бўлса, бу йил миқдор икки ҳисса ошмоқда. Ишсизлик барҳам топгандан кейин жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар, ажралишлар ҳам кескин камайди.

Бошланиши 1-бетда

Иккиламчи хомашё, асосан, полиэтердан тайёрланаётган маҳсулотлардан қишқи куртка ва пальтоллар, кўрпа ва ёстиқлар, юмшоқ ўйинчоқлар, мебель ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади. У енгил, иссиқни яхши ушлайди, намликни кам шимади, нархи ҳам арзон. Илгари бу хомашё тўлиқ хориждан келтириларди.

— Янги лойиҳа узоқ йиллар сақланиб турувчи чиқинди ҳисобланган пластик идишларни қайта ишлаб, қўллаб соҳалар учун зарур бўлган хомашё ишлаб чиқариши билан ажралиб туради, — дейди корхона раҳбари Ахор Хайруллаев. — Айни кунда йилга 5 минг тонна синтефон ишлаб чиқариш қувватига чиқиш ҳаракатидамыз. Келгуси йилдан маҳсулот ҳажми ва турларини кўпайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш борасида янги қувватларни ишга туширишга ҳозирлик кўряпмиз.

Қўли-қўлига темгай меҳнат қилаётган йигит-қизларни суҳбатта тортамыз. Уларнинг аксариятини ишсиз, меҳнат миграциясидан қайтган ёшлар ташкил этади.

— Маҳалламизга яқин ҳудудда янги корхона ташкил этилганидан хабар топиб, ишга келганман, — дейди Аббосжон Раҳимов. — Хорижда ҳам ишлаб кўрганман. Лекин бу қадар эркин ва қулай шароитлар

йўқ эди. Дам олиш кунлари ҳам биздан ишлашни талаб қилишарди. Бу ерда ҳамма нарсаси ўз ўрнида. Ҳар ким меҳнатига яраша

ЧОРВАЧИЛИК — ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ МУСТАҚКАМ АСОСИ

кўпайтириш ҳамда соҳага замонавий технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари юзасидан тақдирот билан танишиш давомида белгилаб берилган устувор вазифалар бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларга янги суръат ва мазмун бағишлайди.

2026-2028 йилларда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш бўйича ишлаб чиқилган комплекс қарорлар эса тармоқнинг мавжуд салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштириш ва ички бозорни сифатли гўшт-сут маҳсулотлари билан барқарор таъминлашга қаратилгани билан эътиборга молик. Энг муҳими, бу чорвачилик хўжаликларига замонавий технологияларни кенг жорий этиш, маҳсулдорлик ва самарадорликни ошириш, озуқа базасини мустақкамлаш учун янги имкониятлар очади.

Фаолияти тўхтаб қолган 103 та чорвачилик корхонасини соғломлаштириш, уларнинг қарзларини реструктуризация қилиш ёки ўн йилга бўлиб тўлаш, озуқа етиштириш учун ер майдонлари ажратиш ва насли моллар билан таъминлаш, энг аввало, уларнинг ишлаб чиқариш қувватларини қайта тиклаш ва молиявий юқини енгиллаштиришга хизмат қилади. Натижада 33 минг бош қорамол парваришланиб, йилга 12 минг тонна гўшт ва 40 минг тонна сут ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Чорвачиликка ихтисослашган 13 та туманда 75 минг гектар озуқа майдонидан самарали фойдаланиш, кичик чорвачилик

лоийҳаларини молиялаштириш мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, озуқа базасини мустақкамлаш ва кичик хўжаликларни фаолиятига янги суръат бағишлайди. Сут қабул қилиш пунктлари ва озуқа сотиш шохобчалари ташкил этилиши эса ишлаб чиқарувчи ва бозор ўртасидаги узвийликни таъминлаб, маҳсулот етиштириш ҳажминини ошириш, чорвадорлар даромадини кўпайтириш ва аҳолини сифатли сут-гўшт маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш учун қулай шароит яратати.

бериялпти, мошмимизни вақтида оламиз. Муҳими, ота-онам, оилам бағридаман. Кам-тарона меҳнатим билан юртимиз равнақиға ҳисса қўшаётганимдан қувонаман.

Гувиллаб, бир маромда ишлаб турган ускуналарда чиқинди сифатидаги пластик идишлар майдаланиб, махсус ишлов берилгач, майингина синтефонга айланади. Улар пресслаш ускуналарида қадоқланиб, экспорт учун тайёрланипти. Корхона маст-уларининг айтишича, маҳсулотнинг 80 фоизи Россия, Тожикистон, Қирғизистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

“Чорбоғ” маҳалла фуқаролар йиғини бир неча йил аввал бирор соҳага ихтисослашмаган, ишсизлик авж олган ҳудуд эди. Қишлоқ аёллари эрта тонгдан бориб, ратан стол-стул ясашни ўрганиб келди-ю, бу ерда ҳаёт ўзгарди.

Тадбиркор дастлаб ўз хонадонидида шундай стуллар чиқара бошлади. Кейин маҳалладошларига ҳам ўргатди. Қарабсизки, бир йилга қолмай, бутун қишлоқ ратан мебеллар ишлаб чиқаришга ихтисослашиб кетди.

— Маҳалламиздаги 15 дан ортиқ хонадонда ратан мебеллар ишлаб чиқарилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Лазизжон Шодмонов. — Ҳалинчак, осма стул, ойнали стол, пляж ўриндиғи, тебранма ўриндиқ каби 30 турдаги маҳсулот тайёрланипти. Маҳалламиз ишсизликдан холи ҳудудга айланган. Мавсумда қўшни маҳаллалардан ҳам ёлланма ишчилар жалб қилинади. Тадбиркорлик лойиҳаларини бошламоқчи бўлган ташаббускорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, имтиёзли кредитлар олишга кўмаклашяпмиз. Ўтган йили маҳалла тадбиркорлари учун 523 миллион сўм кредит ажратилган бўлса, бу йил миқдор икки ҳисса ошмоқда. Ишсизлик барҳам топгандан кейин жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар, ажралишлар ҳам кескин камайди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий хомашё маҳаллий металл қувурлар ҳисобланади. Оиладаги эркаклар темир буюмлар, пружина, болт-гайка ясаш, пайвандлаш, кавшарлаш, сунъий ратан ишлаб чиқариш билан машғул бўлса, хотин-қизлар буюмларга ратан ўраш, безаш юмушлари билан банд.

— Чека қишлоқларда замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади деса, ақингача асло ишонмасдик, — дейди Озодбек Мирзаев. — Чунки саноат фақат шаҳарларга мос тармоқ ҳисобланган. Қишлоқларда фақат пахта, ғалла етиштирилди. Энди ҳаммаси ўзгарди, ишлайман деганга барча шароит бор. Бизнинг оилада ўғлим билан мен пайвандлаш, шакл чиқариш ишларини қиламыз, аёлим, келинларим ратан иплар тайёрлаш, жиҳозлар ясаш билан шугулланади. Даромадимиз яхши, рўзгор кам-қўстидан ортиғриб, тўйлар қилапмиз, машина оляпмиз, фарзандларимиз иш излаб бошқа ёқларга бормаяпти.

Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқаришда ўзига хос кластер шаклланган. Сунъий ратан иплар ишлаб чиқариш, буюртмалар қабул қилиш, янги русумлар устида ишлаш, тайёр буюмларни улгуржи ва чакана сотиш, касаначилик билан шугулланувчилар қўндан қўнга ортиб бормоқда. Хўллас, “талабга қўра таклиф” тамойили амалда. Мўмайгина даромад одамлар ғайратига ғайрат қўшмоқда. Йил сайин турмуш тарзи яхшиланаяпти, кўчалар асфальтланди, электр таъминоти барқарор бўлиши учун янги ТПТ ўрнатилди. Энг муҳими, одамлар дунёқараши ўзгарган. Уларда бирдамлик, касб-хунарга меҳр, эртанги кўнга ишонч ҳисси юқори.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

хўжаликларини сифатли насл материали билан таъминлаш, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш ҳамда ҳудудларда янги иш ўринлари учун мустақкам замин яратилади.

Ўзбекистон чорвадорлар уюшмаси ташкил этилиши соҳа вакилларини хурсанд қилди. Бу соҳада фаолият юритаётган фермер ва тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни қийнаётган муаммоларни тизимли ўрганиш ва амалий ечим топишга кўмаклашишда муҳим қадам бўлади. Уюшма чорвадорларнинг ҳуқуқ ва қўнувий манфаатларини ҳимоялаш билан бирга насличилик ишларини янги босқичга олиб чиқади, илмий изланишлар натижаларини амалиётга кенг тағбиқ этиб, соҳада замонавий ва инновацион ёндашувларни жорий қилади. Асосийси, буларнинг барчаси аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, чорвачилик маҳсулотлари экспортини янада ошириш, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, пировардида аҳоли рўзи бўлишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Паррандачилик аҳоли дастурхонини гўшт ва тухум каби маҳсулотлар билан таъминлашда муҳим ўрин тутати. Айниқса, парранда гўшти бошқа айрим гўшт турларига нисбатан тезроқ етиштирилиши ва кенг истеъмол қилиниши билан ажралиб туради. Унинг яна бир муҳим жиҳати озуқа ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятидир. Асосийси, тўғри ташкил этилган озиклантириш тизими орқали камроқ ресурс сарфлаб, кўпроқ маҳсулот олиш мумкин.

Соҳада умумий қиймати 432 миллион доллар бўлган лойиҳалар амалга оширилиши, шубҳасиз, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, замонавий технологияларни жорий этиш ва маҳсулот ҳажминини кўпайтиришга хизмат қилади. Натижада парранда гўшти ва тухум бозоридида таклиф барқарорлашади, янги иш ўринлари яратилиб, соҳанинг экспорт салоҳияти ошади.

Одинахон ОТАХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси аъзоси

Хонадонларда 20 сотих майдонда енгил конструкцияли 11 мингта молхона қуриш ва уларда 421 минг бош қорамол парваришлаш ташаббуси алоҳида аҳамиятга эга. Бу хонадонларда чорвачилик маданиятини янги босқичга олиб чиқиш, қорамол бош сонини кўпайтириш, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш билан бирга ёшларни бандлигини таъминлаш ва оилалар фаровонлигини юксалтиришга замин ҳозирлайди.

Аҳоли хонадонлари ва чорвачиликка ихтисослашган маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Чунки республикада 191 туманда 2407 та чорвачиликка ихтисослашган маҳалла мавжуд бўлиб, улардаги 823 мингта хонадонда 3,9 миллион аҳоли истиқомат қилади. Ушбу хонадонларга арзон чорва моллари етказиб бериш, ем-хашак таъминоти ва зооветеринария хизматларини яхшилаш, наслдор бузоқларни идентификация қилиш ҳамда улар учун субсидия ажратилиши чорвачиликни самарали ва барқарор йўлга қўйиш, чорва ва саломатлигини асраш, маҳсулот ҳажми ва сифатини кўпайтиришга ёрдам беради. Натижада хонадонларда чорва бош сони ва маҳсулдорлик ортади, аҳоли учун қўшимча даромад манбалари яратилади.

Наслчилик соҳасида 13 та туманда ҳар бири 200 бош қорамолга мўлжалланган хўжаликлар ташкил этилиши соҳада сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб беради. Бу орқали наслдор қорамоллар сони ва маҳсулдорлигини ошириш, фермер ва деҳқон

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб,
янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

УЛУҒ ЙЎЛГА ЧИҚҚАН ШАВКАТЛИ ХАЛҚ БУ!



Наби ЖАЛОЛИДДИН,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Юрт тинчлигидан, ҳаловатидан, хотир-жамлигидан ҳам қадрлироқ нарсаси борми жаҳонда? Эрталаб уйқудан уйғондинг, кўзларинг қуёшни кўрапти, танинг соғ, оёқ-қўлинг бут. Юртинг тинч, меҳрибон оиланг бағридасан. Мана-мана, ақинларнинг бирови ишга, бошқаси ўқишга, боғчага отланади. Сен эса уларнинг дуои жонини қилсан-да, кеча тузиб қўйган режарларингни амалга ошира бошлайсан. Режанг нима ҳам бўларди: бола-чақа, тирикликнинг ширин ташвишлари. Бари-бари яхшиликдан иборат. Орада юрт қорига ярашга ҳам улгурасан. Ана шунақа, ҳаловат — билган одамга эзгуликлар донси. Уйда, элида тинчи бўлмаган инсон тушқунлик, жаҳолат ботқоғига ботиб бораверади — шундан Яратган асрасин!

Хар кунни эрталаб ишга кетарканман, гўзал манзаранинг гувоҳи бўлман: боғчага бораётган шириндан-шакар болакайлар онаси ёки опасининг қўлидан маҳкам тутганча етиб юришга ҳаракат қилади. Чунки онаю опалари ҳам иш ва ўқишдан кеч қолмаслиги керак-да. Аммо болалар буни ўйлайди дейсизми: йўл бошловчиларига чуғур-чуғур қилиб саволлар беради. Катталарнинг эса бошқа ташвишлари ҳам бор: кеча боғча опалари уларга ёдлаш учун берган қувноқ шеърларни такрор-такрор айтишнинг лозими, токи эсидан чиқмасин. Шу баҳона кичкинтойлар жавобсиз саволларидан қалғийди-да.

Мактаб ўқувчиларининг кўриниши эса бошқачароқ: бир хил озода кийинган, елкасида сумка. Улар йўлак бўйлаб бораркан, бир-бирини турткилаб, шўхликлар қилади, қулади. Гоҳо бир-бирини қувлаб, югуриб қолади. Хуллас, бутун борлиқда бахтли болаликнинг сурури ва шуқуҳидан ўзга маъно йўқ.

Ёз кечаларида шаҳардаги кўп қаватли уйлар оралаб ҳеч кезганимизсиз? Агар бундай қилмаган бўлсангиз, албатта, синаб қўришни маслаҳат бераман. Соат тунги ўн бўлса ҳам болалар майдончасидан қичкинтойларнинг қувноқ қий-чуви, завқли гап-сўзи эшитилаверади. Ҳайку элита бошлаган оталар, айниқса, оналар уларни уйга чорлашни қўймайди. Болаларнинг бўлса, парволи фалак... Сиз бир муддат тин оласиз. Қалбингизни тинч ва заволсиз куну тунлар учун шуқроналик, унга туташ бахтиёрлик туйғуларини эгалайди.

Булар буюк ва озоД Ватанимизнинг фараҳбахш онларидан кичик лавҳалар, холос...

Бундан икки йилча олдин Фаластинда ҳалок бўлган фақат норасидалар сони ўн мингдан ошганини эшитганим. Нақадар даҳшат! Бўғизга мислсиз фарёд тикилиб, наъра тортгани келади: ўн минг бола-я!.. Энди айтганичи, ўша уруш оловини ёқиб, дейлик, бири голибга, иккинчиси гўё ватанпарварга айланаётган сиёсатчиларнинг ёки курул тутган бошқа кимсаларнинг баландпарвоз гоғлари, жоҳилона даъволари, бир гўдақнинг томчи қонини қўйинг, тўқилган зарра кўз ёшига арийдими?! Асло йўқ! Чунки болалар — тириклик рамзи, эртанги кун умиди, ҳаётнинг давомийлиги. Норасидаларга узилган ўқ келажакка, умуман, ҳаётга узилган ўқдир!

Ўзбек халқи, бутун ўзбекистонликлар бу фикрнинг мазмун-моҳиятини аллақачон тушуниб етган. Энди бу эл ўзининг тинчлигига, бахтли ҳаётига бировнинг дахл қилишига ҳеч қачон йўл қўймайди! Чунки халқнинг бошида доно раҳнамоси турибди. Бу кунги осуда турмуш, ҳалол ва фидойи меҳнат асосида юксалаётган бунёдкорлик, ёрут истиқболга собит ишониш милаят етакчисининг буюк даҳоси махсуслидир.

Мактаблардан бирида ўқувчилар билан учрашдим. Мени ёзувчи ва уруш қатнашчиси деб таништиришди. Қизқарли ва мантиқли савол-жавоблар бўлди, шеърлар ўқилди. Тадбир якунлангач, бир болакай ёнимга келди. Еттинчи синфда ўқиркан.

— Устоз, уруш қанақа бўлади? — дея сўради у.

Бу савол мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Аслида, қувонтирди ҳам. Чунки она халқимнинг уруш ҳақида мутлақо тасавури йўқ янги авлоди билан юзма-юз турардим. Балки

у уруш тўғрисида ҳикоя қилувчи фильмларни кўргандир, китоблар ўқигандир. Лекин унинг нима эканини, қандай бўлишини тасаввур этолмагани аниқ. Бу яхшилик аломати эди. Илоҳим, юртимизда урушни билмайдиган авлодлар кўпаяверсин!

Албатта, ҳозирги таҳликали ва эртаси ноаён дунёда Ватан тинчлигини сақлаш, мустақиллигини асраш, халқ фаровонлигини таъминлаш, шунингдек, бошқалар билан мамлакатимиз манфаатидан келиб чиқиб муомала қилиш осон кечмаяпти. Президентимиз таъбири билан айтсак, ким аслида ким эканини билиб бўлмай қолди. Барча “Ўзим”, дейди. Бугун она Ватанимизга гаразли ният билан қараётганларнинг мақсадини эзгу ишларга йўналтириш, биродар мамлакатларининг дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш Ўзбекистоннинг бош аъмолига айланган.

“Халқим манфаатлари мен учун ҳамма нарсадан устун, — дейди Президентимиз. — Мен бу йўлга умримни, ҳаётимни тикканман!”.

Бугун бу ўтти эътироф барчамизнинг асосий шioriимизга айланмоғи лозим.


Одатда одамзод яхшиликни унчалик пайқайвермайди. Тўғрироғи, унга бепасандроқ қарайди. Ёмонликни эса дарров кўради ва уни унуттиши ҳам қийин кечади. Яхшиликни хотирадан тез кўтариш ёки унга қўниқиб оқийди ҳол. Чунки башар ахлининг феъли шунақа. Ушбу фикрларимни давом эттиришдан олдин эсимга тушган бир воқеани айтиб берсам.

Андижоннинг Шаҳрихон туманида нақбшидан тарикати пириларидан бўлимиш Зухриддин эшонбува деган инсон яшаб ўтган (2011 йил 2 март куни дунёдан кўз юмган). Бу табаррук зот машҳур соҳиб ирошод шайх Муҳаммад Шариф Хасорий ҳазратларининг (ўтган асрнинг 90-йилларида қарийб юз ёшда вафот этган) муриди бўлиб, ирошодни ўша кишидан олган. Зухриддин эшонбува Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эди. Газета-журнал ўқиниш жуда яхши кўради. У водийдаги, хусусан, Андижондаги диний бўлиниш ва тажовузуларга қарши қаттиқ курашган.

Мен ҳам кўплаб ихлосмандлари қатори эшонбуванинг тарбиясини олиб, хизматига бўлганман. У умрининг охирида айтган бир гап сира ёдимдан чиқмайд.

— **Бош вазиримизнинг юзида нур бор, —** деганди эшонбува. — **Шу одам давлат раҳбари бўлса, халқимизга чиндан қайишади ва инсон қадрини улуглайди!..**

2015-2016 йилларида Ватанимизнинг ижтимоий аҳволи бағоят оғир эди. Халқимиз том маънода қийналаётганди. Чунки ойлик



замонавий автомобиллар ажратилиб, нафақа, пенсия пули онахон ва отахонларнинг маҳалласига, ҳатто хонадонига элтиб бериларкан бўлди. Энди нафақахўрлар ўз пулини хоҳласа нақд олади ёки уларнинг ихтиёрига кўра пластик картасига ўтказиб берилади. Ўша йилнинг ўзидаёқ пойтахтимиз ва вилоятлар марказига сон-саноксиз банкوماتлар ўрнатилди ҳамда бу жараён ҳалиям давом этмоқда. Энг муҳими, сўммимиз эркин муомалага киритилди. Ватандошларимиз чет эл валютасини олиш учун “қорабозор”ларда сарғайиб турмайдиган бўлди. Умуман, ноқонуний пул муомаласига барҳам берилди. Ҳозир ўз пулимизни хоҳлаган банкда, хоҳлаган чет эл валютасига хоҳлаганча миқдорда эмин-эркин алмаштиришимиз мумкин. Буларнинг барчаси бир вақтлар орзу эди, холос. Шунинг учун ҳам ўшанда элимиз янги Президентимизни кўзда ёш билан дуо қилганини ҳудди бугун бўлгандек эслайман. Зеро, бу эзгу ишларни унуттишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ!

Аслида, булар буюк ислохотларнинг бошланиши эди. Кўп ўтмай, қўшни давлатлар билан тақа-тақ ёпилган эшиклар очилиши



2019 йил 2 февраль куни Мустақиллик майдонида 1979-1989 йилларда кечган мудҳиш урушда ҳалок бўлганлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилди ва уларнинг номи ёзиб қўйилди. Узоқ йиллар унутилиб келган жасур йигитларининг шаъни улугланиб, адолат қарор топди.

Қалбимни тўлқинлантирган иккинчи ҳолат эса 2020 йили пойтахтимизда “Ғалаба боғи” барпо этилиши бўлди. Ушбу қўтлуг маскандаги тарихий экспонатлар, монумент ва суратлар, видеоларлар халқимизнинг шонли ўтмишидан, фашизм устидан қозониб қолган буюк ғалабага қўшган таърифсиз ҳиссасидан ҳикоялар сўзлайди. Аминмани, жангларда шаҳид кетган ота-боболаримиз ва биродарларимизнинг пок руҳи икки савобли иш туйфайли шод бўлди.

“Янги Ўзбекистон боғи”нинг бунёд қилиниши ва унда халқимизнинг бой тарихи ҳамда бугунги юксалиш даври ҳақида ҳикоялар сўзлагувчи улкан пурмаёно ёдгорлик ўрнатилиши ҳам давлатимиз раҳбарининг ташаббуси маҳсулидир.

Она Ватанимиз жамолига боқиб, ифтихорим осмон қадар юксалади. Тошкентда қисқа муддатда қад ростлаган “Tashkent City”ни айтнинг: яқин-яқингача унинг ўрнида қандайдир пастак, кўримсиз иморатлар мунғайиб турарди. Энди бўлса, ушбу манзил пойтахтимизнинг юратига айлиб улгурди.

Мамлакатимиз етакчиси янги-янги оламшумул гоғларни илгари суришдан, бунёдкорликларга асос солишдан қарчамайди. Яқинда шундоқина Тошкент биқинида Янги Тошкент шаҳрини барпо этишга старт берилди ва ҳозир у ерда бунёдкорлик ишлари жадал бажарилмоқда. Янги Тошкентнинг лойиҳа макетини кўриб, ҳайратдан ёқа ушладим.

Тошкентдаги Ислоом цивилизацияси маркази, Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуаси нафақат юртдошларимизнинг, балки чет эллик меҳмонларнинг ҳам сеvimли зиёратгоҳига айланиб, барчани ҳайратга ошно этмоқда. Улар бу ишюотлар ижодкорига тасанно айтмоқда.

Халқимизда “Қадимдан яхшилик унди” деган гап бор. Шуларни эсларканман, Президентимизнинг юрган йўлида бунёдкорлик, ободлик унадини ҳеч ўйлаб қолман. Чунки қаерга борса, деб бўлмаса, битта катта қўрилишга тамал тоши қўяди-да! Мана, Андижонимизга ҳам келди-ю, Янги Андижон шаҳрини бунёд этиш ҳақида топширик берди. Кўп ўтмай, маблаг ажратди. Яна бир ташрифи қўйида эса Андижонда қад ростлаган янги шаҳарга ҳазрат Бобур номини берди.

Утган йили “Маънавият қаровни” ижодий гуруҳи таркибиде Қашқадарь вилоятида учрашуларда бўлди. Ўша тадбирларнинг бирида сўзга чиққанимда, аини кунларда Андижон биқинидаги тақир қирлар устиде Янги Андижон шаҳри барпо этилаётгани, унда кўплаб замонавий кўп қаватли уйлар, дам олиш жойлари, ошхона ва қаҳвахоналар, ўйин майдонлари, инфратузилма объеклари бўлишини айтиб бердим. Охирида “Сизлар ҳам дуо қилинг, Президентимиз тезроқ бу ерга ташриф буюрса, сизларга ҳам битта янги шаҳар насиб қилади”, дея ҳазиллашган бўлдим. Одамлар тил туриб қарсак қалди. Бу элимизнинг ўз йўлбошчисига чексиз меҳридан далолат эди.

Кейинги йилларда маҳалла тизимига алоҳида эътибор қаратилиб, қатор муҳим ислохотлар ўтказилди. Чунки маҳалла жамиятимизнинг юраги. У ерда ҳамма бир-бирини танийди, туриш-турушидан бохабар. Шунинг учун маҳаллада ишлаш, муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш осонроқ кечади.

Бугун маҳаллада ҳам таъминланган оилалар, аёллар, ёшлар билан шуғулланувчи

алоҳида ходимлар мавжуд. Ҳоким ёрдамчилари ҳамда профилактика инспекторларининг ўзига хос вазифалари бор. Умуман, маҳаллалардаги “еттилик” муаммоларни ҳал этиш, тинчлик-осойишталикни сақлаш, аҳиллик ва ислохотларни амалга оширишда анча самарали ишламоқда. Бу тизимда ҳал этилмаган ҳар бир масала ҳоким ёрдамчилари орқали вилоят ҳокимлари, ҳатто Президентимиз эътиборига тақдим қилинмоқда. Яқинда давлатимиз раҳбари маҳалла ва унинг етилиги фаолиятини тақомиллаштиришга бағишланган алоҳида йиғилиш ўтказиб, тизимга киритилдиган ангилларни ҳақида гапирди ва янги вазифаларни белгилаб берди.

Элимиз яхши кунларига, эзгу мақсадларига ҳамиша қўпчиликнинг дуоси туйфайли эришади. “Дуо билан эл кўкаради” деган нақл бежиз ўзбекона шюрга айланмаган. Шунинг исботи ўлароқ, Президентимиз ҳар сафар Бухорои шарифга ёки Самарқандта ташрифи буюрганида ишни, энг аввало, буюк боболаримиз Баҳодулдан Нақибанд ва Имом Бухорий ҳазратларининг мақбараларини зиёрат қилишдан бошлайди. Бу гўзал аниъанга айланган.

Утган йили Бухорога ташрифи чоғида ҳам шайх ул-машойих мазорини зиёрат қилди. Мени ҳаяжонга солгани, давлатимиз раҳбарининг зиёрат охирида шахсан ўзи дуога қўл очиб, “Юртимиз тинч бўлсин!” дегандир.

Бу йил ҳам 15 мингдан ортиқ юртдошимиз ҳаж сафарига борди. Уларнинг юз нафари давлатимиз раҳбари ҳисобидан ҳожилик мақомига эришди. Ўша кунлари вақти ҳар қанча тигиз бўлишига қарамай, Президентимиз имкон топиб, Саудия Арабистониде ҳожиларимизга бошчилиқ қилиб турган Ўзбекистон муфтийси билан телефон орқали мулоқот қилди. Сўхбат бағоят самимий ўтиб, мамлакат етакчиси ватандошларимизнинг қайфияти, яратилган шарт-шароитлар ҳақида сўради ва саломини йўллади.

Ёшларимиз орасида билимга ташналик тобора қучайиб бормоқда. Бунга “Маърифат улашиб” тадбири доирасида Наманган вилоятидаги олий ўқув юртилариде ўтказган учрашуларимизда тўла амин бўлди. Ҳамроҳларимдан бири — филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборнинг Наманган давлат университетте талабалари билан мулоқоти, айниқса, ҳаяжонли кечди. Атоқли олим Ҳазрат Навоийнинг бир байтини ёшлар ҳуқмига ҳавола этиб, шарҳлаб беришни сўради. Залда бирдан қўзғалиш рўй берди: талабалар ўз сўзларини айтиш учун кетма-кет қўл кўтарга бошлади. Қизғич, шарҳлар қатори бир-бирини такрорламасди. Бундан қувонмай бўладими! Биз ҳам бир пайтлар талабда эдик, аммо мумотоз адабиётга бу қадар меҳр ва иштиёқ билан ёндашиб, байтларни шарҳлай олганимизни эслолмайман. Демак, Президентимиз томонидан ташкил этилган “Маърифат улашиб” дастури ўзининг олий мақсадига эришмоқда. Ёки Наманган муҳандислик-технология институтига бoрганмизни эсласам: аввало, бизни у ердаги ободлик, кўкаламзорлаштириш ишлари ҳайратга солди. Ҳаммаёқ турли дархотлар, гулларга бурканган, йўлаклар сероса, ораста. Ажабки, аниқ фанларга ихтисослашган техника институтида мухтасаргина “Адиблар хиббони” ташкил қилиниб, атоқли адибларимизнинг бюсти ва суратлари ўрнатилибди. Кўплаб адабий-маърифий тадбирлар шу ерде ўтказилар экан.

Мен ҳам калам ахлиданман. Демак, давлатимизнинг адабиётимиз, жумладан, адибларимизга алоҳида эътибори ҳақида гапирмасам бўлмас. Пойтахтимизнинг қоқ марказида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси учун барпо этилган мухташам бино ва унга туташ

Адиблар хиббони биз — ўзбек шоиру ёзувчилари қалбини чексиз фаҳр туйғусига тўлдирётган бўлса, чет эллик меҳмонлар ҳамда ҳамкасбларимизда ҳавас уйғотмоқда.

Бу йил Президентимиз фармониға биноан санъаткорлар ва адибларнинг катта бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари ҳамда унвонлари билан тақдирланди. Ўша тантанали йиғилишда давлатимиз раҳбари ижодкорларга “Инсон қалбининг муҳандислари”, деб бағоят юқори баҳо берди.

Хар йили гўзал ва сўлим Зомин тоғларида ёш ижодкорларнинг семинари кўтарини рукда бўлиб ўтади. Ушбу ижодий танловга Президентимиз (у пайтлари Шавкат Мирзиёев Жиззах вилояти ҳокими бўлган) ва Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов томонидан асос солинган иш учун ҳам алоҳида эътибор билан юқори савияда ташкил этилади. Истеъдоди эътироф қилинган ўнлаб ёшларнинг шеърини ва насрий китоблари уюшма ҳомийлигида нашрдан чиқарилади. Бу эса эртанги адабиётимизга қўйилган тамал тоши бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугун дунё нотинч, муқаррар таҳлика остиде яшамоқда. Баъзи давлатлар аллақандай пуч гоғларини рўқаб қилиб, ўзларининг ҳарбий қудратини кўз-кўз қилиш билан овора. Улар урушни ўз номи билан атамай, қандайдир иборалар воситасида хаспўлашани одат қилди. Нобуд бўлаётган минглаб инсонлар, айниқса, болаларнинг, дахшатли вайронликларнинг гўё уларга мутлақо алоқаси йўқдек.

Биз эса тинч, осуда ҳаётга қўниқиб қолганимиз. Шунинг учун баъзан унинг қадрига етмай қол қўйдиқ. Ҳудди бу мунаввар турмуш, ҳаловат ўз-ўзидан бўлиб қолгандек. Ахир унинг замирида қанчалар ҳақматли меҳнат, оқилона сиёсат, узокни қўзлаган тадбирлар, уйқусиз тунарл этганини наҳотки билмасак?! Бу эзгу ишларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг буюк тафаккури ва даҳоси туйфайли-ку!

Ҳеч эътибор берганмизсиз: Президентимиз қайси мамлакатга борса, алоҳида ҳурмат-эътибор билан қутиб олади. Қўплаб давлат раҳбарларининг у билан қўришганидан фахрланаётгани сезилади. Чунки улар мамлакатимиз етакчисини буюк ислохотчи ва тинчликсевар сиёсатчи сифатида тан олган. **Уш Ўзбекистонимиз оқимларидан осойишталик, ҳаловат уфургинида, дунё ахли назарида Президентимиз тинчлик элчисига айланган. Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг халқаро муносабатларга таъсир ўтказа оладиган номдор сиёсатчилар қаторига қўшилганини барча кўриб, билиб турибди.**

Буюк шахслар махсус миссияни амалга ошириш учун туғилди ва халқларини улуг ишларга бошлайди. Тарихимизда утган Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби боболаримиз ҳаёти бунга яққол мисол. Уларнинг бири буюк салтанат тузиб, эл ичра адолат ўрнатган бўлса, бошқаси ўз халқини ярим дунёни эгалаган ёвуз душмандан ҳимоялаб, ганим юротиға қўрқув сола олган. Учинчиси бегона юртда оламга доно таратган қудратли давлат барпо этган. Бугун уларнинг шону шавкати олдиде барча бот эгади.

Назаримда, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига ҳам Яратган томонидан ана шундай муҳим миссия юкланган. Унинг қудратли давлат қуриш, ўзбек халқини бахтиёр ва бой эллар қаторига қўлиши йўлидаги оламшумул ислохотларини шундан далолат бермоқда. Тарихни буюк шахслар яратди, бу исботланган ҳақиқат. Президентимиз бу гапни икки қарра тасдиқлаб, она Ўзбекистонимизнинг улкан ва шонли янги тарихини яратмоқда.



Қаҳҳор ЖУМАЕВ,
Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат
институтини етакчи илмий ходими

Бошланиши 1-бетда

Бугун юртимизда 1,2 миллиондан ортиқ кичик ва ўрта тадбиркорлик субъекти мавжуд бўлиб, ҳар 1000 фуқарога ўртача 32 тадбиркорлик субъекти тўғри келмоқда. Биргина 2026 йилнинг биринчи чорагида 22,2 мингта янги кичик корхона ва микрофирма ташкил этилди. Ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиkning мамлакат ЯИМдаги улуши 56-58 фоизга етди.

Тадбиркорликини ривожлантириш бўйича ислохотлар 2017 йилдан бошлаб бутунлай янги bosқичга олиб чиқилди. Хусусан, Ҳаракатлар стратегияси, Тараққиёт стратегияси ва “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида давлат идораларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш функциялари қайта қўриб чиқилди ва кескин қисқартирилди. Валюта бозори либераллаштирилиб, эркин конвертация тизими йўлга қўйилди. Мажбурий лицензиялаш ҳамда рухсат бериш тартиб-таомиллари икки баробар қисқартирилди ва қўллаб соҳалар хабардор қилиш тартибига ўтказилди. Иқтисодиётнинг қўллаб соҳаларида рақамлаштириш тизими кенг жорий этилди.

2021 йилдан бошлаб ҳар йили давлатимиз раҳбари тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказиши анъана тусига кирди ва 20 август санаси Тадбиркорлар куни сифатида нишонланадиган бўлди. Тадбиркорликка эътиборни кучайтириш, фаол тадбиркорларни рағбатлантириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор” фахрий унвони ва “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони каби давлат мукофотлари таъсис этилди.

2022 йилда Ўзбекистон Президентини ҳузурида Тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгаши ташкил этилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар кенгашда қўриб чиқилиб, кенг муҳокама қилиниши тизими йўлга қўйилди.

Ислохотларнинг ушбу bosқичида тадбиркорлик субъектларининг янги қатлами шаклланди ва улар бугунги кунда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда. Давлатимиз раҳбарининг бу

борада билдирган қуйидаги фикрлари аини ҳақиқатдир: “Юртимизда тадбиркор ва ишбилармонларнинг янги авлоди шаклангани бу — бизнинг катта бойлигимиз ва ютуғимиз. Чунки ҳар бир тадбиркор инсон ўз ортидан ўнлаб одамни эргаштиради, уларга иш ўргатади, ишли, даромадли қилади, жамият ҳаётига янгилик олиб киради”.

Дарҳақиқат, бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли ҳар қачонгидан кўра ортиб бормоқда ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда. Хусусан, 2020-2025 йиллар мобайнида тадбиркорлик субъектларида 7,5 миллион аҳолининг иш билан бандлиги таъминланди. Биргина 2025 йил давомида тадбиркорлик субъектлари томонидан 3 миллиондан ортиқ иш ўрни яратилди. Ҳозирги кунда иш билан банд аҳолининг қарийб 75-80 фоизи айнан тадбиркорлик соҳасига тўғри келмоқда.

Конституциявий кафолатлар ва ҳуқуқий ҳимоя

Ислохотларнинг янги bosқичида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояси энг юқори — конституциявий даражага кўтарилди. Янги тахрирдаги Конституцияда мулкдорлар ҳуқуқи дахлсиз экани ва ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари ҳамда суднинг қарорисиз махрум этилиши мумкин эмаслиги қатъий белгиланди, шунингдек, давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаши борасида ҳуқуқий кафолатлар мустаҳкамланди.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи белгиланди. Унга кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида юзага келадиган ҳамда қонунчиликда барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъекти фойдасига талқин этилади.



Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш борасидаги муҳим ислохотлардан яна бири 2017 йилда Президент ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (бизнес омбудсман) институтини ташкил этилиши бўлди. Унга тадбиркорлик субъектларини давлат органларидан ҳимоя қилиш ва амалга оширилаётган текширувларнинг қонунийлигини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ваколати берилди.

2017 йилда оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни қўриб қилувчи алоҳида маъмурий судлар ташкил этилди ва 2018 йилда “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ги кодекс қабул қилиниб, маъмурий суд ишларини қўриб чиқишнинг аниқ тартиб-таомиллари белгилаб берилди. Маъмурий судлар ташкил этилиши тадбиркорларга давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва қонунга хилоф ҳужжатлари устидан

судларга шикоят қилиш орқали ўз ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш имконини берди.

Ушбу ислохотлар тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтиришга ҳамда унинг институционал асослари яратилишига хизмат қилди.

Дастлабки йилларда тадбиркорлик ривожига энг катта тўсиқ бўлган омиллардан бири назорат қилувчи органларнинг режадан ташқари ва асоссиз текширувлар ўтказиши эди. Сўнгги йилларда амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлар ушбу тизимни ҳам бутунлай ўзгартирди.

Тегишли қонунчилик ҳужжатлари билан тадбиркорлик субъектларини текшириш тизимини тўлиқ рақамлаштирилди. Хусусан, тадбиркорлик субъекти фаолиятидаги ҳар қандай текширув “Ягона давлат назорати” электрон ахборот тизими орқали ваколатли орган (бизнес омбудсман) розилиги билан ёки уни хабардор этиш орқали амалга ошириладиган бўлди. Рўйхатдан ўтмаган текширув ноқонуний ҳисобланиши ҳамда текширувни ўтказган мансабдор шахс жавобгарликка тортилиши учун асос бўлиши белгиланди.

Тадбиркорлик субъекти фаолиятида ўтказиладиган текширувларда инсон омилини камайтириш мақсадида хорижий давлатлар тажрибаси ва халқаро ташкилотлар тавсиялари асосида “хавфни таҳлил қилиш” (Risk-assessment) тизими жорий этилди. Унга кўра, назорат қилувчи орган тадбиркорлик субъекти фаолиятини қонунчилик бузилиш хавфи даражасини таҳлил қилиш орқали ўрганади, агар хавф юқори ёки ўртача юқори даражада бўлса, текширув ўтказилади, агар хавф даражаси паст бўлса, бундай тадбиркорлик субъектида текширув ўтказилмайди.

Мустақиллик йилларида давлат иштирокидаги корхоналарни тадбиркорлик субъектларига хусусийлаштириб бериш жараёни анча жадаллашди. Хусусан, сўнгги йилларда

қатор йирик давлат банклари ва саноат корхоналари маҳаллий тадбиркорлар ва хорижий инвесторларга хусусийлаштириб берилди.

Ишбилармонлик муҳити ва рақамли иқтисодиёт

Сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар доирасида бизнесни юритиш тартиб-таомилларини рақамли форматга ўтказиш соҳада давлат хизматлари кўрсатишни тубдан соддалаштирди. Илгари корхона очиш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш ёки банкда ҳисоб рақами очиш учун қуллаб, ҳафталаб вақт кетган, қўллаб идораларга бориш талаб этилган бўлса, эндиликда ушбу ҳаракатларни электрон тизим орқали бир неча дақиқа ичида амалга ошириш имконияти яратилди.

Бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ деярли барча масалаларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали онлайн тарзда ёки турли ташкилотларга бормай, Давлат хизматлари марказлари орқали тез ва осон ҳал этиш мумкин.

2022 йилда “license.gov.uz” ахборот портали ишга туширилиб, лицензия ва рухсатнома-лар тўлиқ электронлаштирилди. Ушбу тизим орқали рухсат этиш хусусиятидаги ҳужжатлар (лицензия ва рухсатномалар) инсон омилисиз, ортиқча тўсиқларсиз ва шаффоф мезонлар асосида берилмоқда. Унинг жорий этилиши коррупция ва суинестематикликларни сезиларли даражада камайтиришга хизмат қилди.

Солиқ ва божхона маъмурчилиги тўлиқ рақамлаштирилиб, солиқ тўловчиларнинг шахсий электрон кабинети шакллантирилди, солиқ ҳисоботларини электрон тарзда тақдим этиш имконияти яратилди, шунингдек, божхона постларида юкларни расмийлаштириш учун сарфланадиган вақт бир неча кундан бир неча соатгача қисқарди. Бу эса, ўз навбатида,

коррупциявий хавфларни сезиларли даражада пасайтиришга имкон берди.

Ислохотлар мамлакатимизнинг дунё ҳам-жамиятида ҳам муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилмоқда. Хусусан, Жаҳон банкнинг “Business Ready” (“B — Ready”) дастури доирасида 2025 йилда 101 та мамлакатда инвестиция ва ишбилармонлик муҳити баҳоланган. Умумий натижаларга кўра, мамлакатимиз 3 та йўналиш бўйича ТОП ислохотларни амалга оширган 29 мамлакат қаторига киритилган. Хусусан, “Амалиётнинг осонлиги” йўналиши бўйича 1-гuruhдаги (80-100 фоиз — юқори даража) ТОП-10 мамлакатлар қаторидан жой олган. Мамлакатимиз 2026 йилда “Иқтисодий эркинлик индекси”да 14 поғона юқорилаб, илк бор “иқтисодиёти мўътадил эркин давлатлар” қаторига кирди.

Халқаро меъёрларга мослашув

Иқтисодиётни халқаро стандартларга мослаштириш ва мамлакатнинг глобал иқтисодий майдондаги иштирокини кенгайтириш 2017 йилдан бошлаб иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзолиги бўйича саъй-ҳаракатлар анча фоаллашди. Миллий қонунчилик нормалари ва қўллаб техник регламентлар ЖСТ талаблари ва стандартларига мослаштирилди, иқтисодиётда монополия улуши сезиларли даражада қисқартирилди. Маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар учун қонунчилик талаблари бирхиллаштирилди.

Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Европа тиклиниш ва тараққиёт банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти каби қўллаб-қувватлаш халқаро молиявий ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик тизими йўлга қўйилди ва бугунги кунда уларнинг молиявий кўмаги асосида йирик инфратузилмавий ва иқтисодий лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Ташқи савдода мавжуд қўллаб-қувватлаш ва чекловлар bosқичма-bosқич бекор қилиниб, экспорт-импорт тартиб-таомиллари анча соддалаштирилди ва соҳага рақамлаштириш кенг жорий этилди. Натижада маҳаллий тадбиркорларнинг ташқи бозорга чиқиш имкониятлари анча кенгайди.

Ташқи иқтисодий фаолиятда амалга оширилган ислохотлар маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг хорижий бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш билан бирга миллий иқтисодиётга тўғридан тўғри хорижий инвестициялар оқимини жадаллаштиришга хизмат қилди.

Иқтисодиётнинг замонавий ривожланиш тенденциялари ҳамда соҳада учраётган айрим масалалар бугунги кунда тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини халқаро нормалар ва стандартлар асосида янада такомиллаштиришни, бизнес вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини янада кучайтиришни ҳамда ушбу соҳага рақамли технологияларни янада кенгроқ жорий этишни тақозо этмоқда. Ислохотларнинг кейинги bosқичида ушбу устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш бизнес муҳитини янада қўллаб-қувватлашда ҳамда тадбиркорлик соҳасини изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги ўн йилликда тадбиркорлик соҳасида амалга оширилган сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар мамлакатимизда эркин бозор иқтисодиёти ва кучли мулкдорлар қатламини шакллантиришнинг мустақкам пойдеворини яратди. Эндиликда маъзур йўналишдаги ислохотларни давом эттириш ва соҳани янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш Ўзбекистоннинг истиқболдаги тараққиётини ҳамда халқаро майдондаги жозибадорлигини таъминлашда ҳал қилувчи ўрин тутди.

Худудлар ҳаёти



Инвестиция — тараққиёт, инсон манфаати, фаровон ҳаёт асоси. Иқтисодий тараққиёт рақамлар билан эмас, аввало, инсон ҳаётидаги ўзгаришлар билан баҳоланади. Кармана туманидаги инвестиция лойиҳалари, янги саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш қувватлари бугун маҳаллалар кифёсасида, инфратузилма ривожига ва одамларнинг кундалик турмушида бўй кўрсатяпти.

Айни вақтда Кармана туманида 148 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Тумандаги 39 та маҳаллада саноат, таълим, соғлиқни сақлаш ва инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари изчил давом этмоқда. Янги йўллар, замонавий муҳандислик тармоқлари, обод маҳаллалар, соҳил бўйида ташкил этилган дам олиш масканлари ва кечки Кармананинг файзли манзараси ҳудудда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлиқнинг амалий ифодасидир. Муҳими, бу ўзгаришлар одамлар кайфиятида ҳам ажқол намоён бўлаёттир.

Қадимий Кармана Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳаларидан бири бўлган ва бугунги кунда ҳам стратегик аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Навоий вилоятининг иқтисодий тўман эндиликда саноат, инвестиция ва логистика маркази сифатида янги bosқичга кўтарилаётганини кузатиш мумкин. Қулай географик жойлашув, транспорт-коммуникация инфратузилмаси ва инвесторлар учун яратилган имкониятлар натижасида Карманада хорижий сармоя иштирокида қўллаб-қувватлаш лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу эса

ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва замонавий саноат тармоқларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

— Туманимизда жорий йилнинг биринчи ярмида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 6,3 триллион сўмга етиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 106 фоиз, курилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 триллион сўмга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 1,3 триллион сўмга ўсди, — дейди туман ҳокими ўринбосари Шерзод Зайниев. — Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми барча йўналишларда 115 фоиз ўсиши таъминланди. Шунингдек, 2 мингта яқин ишсиз фуқаро доимий ишга жойлаштирилди, 26 минг фуқаронинг даромади ошди. Албатта, бунда турли йўналишларда йирик лойиҳалар ишга туширилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Ҳозир туманимизда жорий йилда олий таълим муассасаларини битирган 546 ёшга ишга жойлаштириш жараёни бошланди.

Кармана туманида саноат паркларидаги янги лойиҳалар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, экспорт географиясини кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда. Ҳудуддаги “Навоий саноатни ривожлантириш мажмуаси” махсус саноат паркида хорижий инвесторлар иштирокида замонавий ишлаб чиқариш қувватлари барпо этиляпти. Шунингдек, маҳаллий хомашёни қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар сони ортиб бормоқда. Ёғоч хомашёсини

қайта ишлашга ихтисослашган корхона шулар жумласидан.

— Корхонамизда 5 bosқичли технологик жараён асосида фанер ва ёғоч қириқларидан ДСП тайёрланмоқда, — дейди “Tiancheng ess board” хорижий корхонаси директори, хитойлик Донг Хин. — Хитойнинг илгор технологиялари ва замонавий ускуналаридан фойдаланамиз. Бу эса маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини бермоқда. Айни пайтда корхонада

250 киши доимий иш билан таъминланган. Бу эса ҳудудда бандлиқни ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтиришга хизмат қилаяпти. Маҳсулотлар ички бозордан ташқари Марказий Осиё мамлакатларига ҳам экспорт қилинмоқда. Бу тумандаги саноат корхоналарининг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлиги тобора ортиб бораётганини кўрсатади. Мамлакатингизда инвесторларга яратилган қулай шарт-шароит, имконият ва имтиёзлардан жуда ҳам миннатдоримиз.



“Tiancheng stroy” хорижий корхонасида қурилиш ва ободонлаштиришда кенг қўлланиладиган йўлак тошларининг ўндан ортиқ тури ишлаб чиқарилади. Замонавий технологиялар ва автоматлаштирилган ишлаб чиқариш жараёни маҳсулот сифати ҳамда мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Замонавий технологиялар асосида шиша ва ойнага қайта ишлов беришга ихтисослашган корхона тумандаги истиқболли йирик лойиҳалардан биридир. Унда турли ўлчам ва талаблар асосида қурилиш ва интерьер учун маҳсулотлар тайёрланади. Илгор ускуналардан фойдаланиш маҳсулот сифатини халқаро талаблар даражасида таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ички бозор эҳтиёжини маҳаллий маҳсулотлар ҳисобидан таъминлаш имконини бермоқда.

— Ҳудудимиз 1 гектардан ойборт бўлиб, ҳар хил турдаги тоبلанган ойна ишлаб чиқарамиз, — дейди корхона раҳбари Сардор Негматов. — Ҳозир 1 кунда 1000 квадрат метрдан ортиқ энергия тежовчи ойналар тайёрлапмиз. Корхонамиз янги бўлишига қарамай, маҳсулотларимизга харидор кўп. Уларни Қирғизистон, Тожикистонга ҳам экспорт қилимиз. Келгусида экспорт географиясини кенгайтириб, маҳсулот турини кўпайтиришни режалаштирганимиз. Мутахассисларимиз ойнани қайта ишлаш соҳасида хорижий давлатларда тажриба алмашиб, малака ошириб келмоқда.

Карманада хорижий сармоя иштирокидаги янги лойиҳалар, замонавий корхоналар, яратилаётган юзлаб иш ўринлари, барпо этилаётган таълим ва тиббиёт муассасалари, обод маҳаллалар ва замонавий инфратузилма — буларнинг барчаси инсон манфаати ва аҳоли фаровонлигига замин яратмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Азимжон ҲУСАНОВ,
Касбий таълим агентлиги
директори

Бошланиши 1-бетда

Ҳақиқатан, мамлакатимизда касб эгалари-га эътибор ва ҳурмат янги босқичга кўтарилаётганини кўрмаслик, англамаслик қийин. Зеро, қаерда инсон ўз меҳнати билан жамият учун фойдали эканини ҳис қилса, ўша ерда ривожланиш, ташаббус ва бунёдкорлик муҳити шаклланади. “Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” танлови айнан мана шу мақсадга хизмат қиляпти. У ёшларни ўз устиди ишлаш, касбий маҳоратини ошириш, янги марралар сари интилишга ундамоқда.

Танловнинг дастлабки босқичларида иштирокчилар сони нисҳоятда кўп бўлгани ҳам бу ташаббусга қизиқишнинг қўламиндан дарак беради. Шу йил 26 майдан 10 июнига қадар республикаимиз бўйлаб ўтказилган турман ва шаҳар босқичларида 270 мингдан ортиқ ёш мутахассис иштирок этиш истагини билдирди. Иштирокчиларга ўз имкониятини синбаб кўриш, истеъдодини намоён этиш ва янги марралар сари қадам ташлаш учун майдон яратилди.


Саралаш босқичи якунларига кўра, 6733 нафар ёш муносиб иштирокчи кейинги босқичга йўналма олд. Худудий босқичларда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан келган ёш мутахассислар ўз маҳоратини намойиш этди. Уларнинг ҳар бири ўз йўналиши бўйича пухта тайёргарлик кўргани, амалий кўникмаларга эга эканини намоён қилди.

Республика босқичида эса энг иқтидорли 700 иштирокчи қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. 13-22 июль кунлари Самарқанд ва Бухоро вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳри касбий маҳорат синовлари марказига айланди. Бу босқичда 610 нафар ёш мутахассис 10 та муҳим касбий йўналиш бўйича ўз билим ва маҳоратини синовдан ўтказди. Электромонтаж, пайвандлаш технологияси, сантехника, мода технологиялари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер графикаси ва дизайн, сартарошлик, ошпазлик, қурилиш ва сувоқчилик, тиббий ҳамда ижтимоий ғамхўрлик йўналишларида ўтказилган беллашувлар ёшларнинг нечоғлиқ салоҳиятга эга эканини кўрсатди.

Дарҳақиқат, ҳар бир касбнинг ўзига хос масъулияти ва жамият ҳаётидаги ўрни бор. Масалан, қурилиш соҳасидаги мутахассислар замонавий шаҳарлар қиёфасини яратишда иштирок этса, техник йўналишдаги мутахассислар ишлаб чиқариш жараёни узлуksизлигини таъминлайди. Хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари эса инсонларнинг кундалик ҳаётини янада қўлайлаштиришга хизмат қилади. Шу маънода, “Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” танлови ёшларнинг касбий маҳоратини намоён этуви лойиҳа бўлиш билан бирга жамиятимизда барча ҳалол меҳнат турларига ҳурматни қучайтирувчи муҳим ташаббусдир.

Танловнинг очик ва адолатли ўттишини таъминлаш мақсадида барча зарур ташкилий чоралар кўрилди. Ҳар бир йўналиш бўйича малакали мутахассислар, тажрибали экспертлар жалб этилди. Эллик нафар миллий эксперт иштирокчиларнинг ишини баҳолаб борди. Бундан ташқари, иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун апелляция комиссиялари фаолияти йўлга қўйилди.

8 август куни Тошкент шаҳридаги “Ҳумо Арена” мажмуасида бўлиб ўтган тақдирлаш маросими ана шу меҳнат ва интилишларнинг муносиб эътирофи бўлди. Танлов натижалари асосида шакллантириладиган Ўзбекистон терма жамоаси эса мамлакатимиз ёшларининг касбий салоҳиятини халқаро майдонда намойиш этиш учун янги имконият яратади.



Олтмиш аъзодан иборат ушбу комиссиялар келиб тушган мурожаатларни белгиланган тартибда қўриб чиқди. Қизғин ва мурасасиз беллашувлар якунида ҳар бир йўналиш бўйича энг муносиб иштирокчилар аниқланди. Якунда 120 ёш қатнашчи танлов ғолиби ва совриндори сифатида эътироф этилди.

Худудлар бўйича эришилган натижалар ҳам эътиборга молик. Самарқанд вилояти 25 та совринли ўрин билан энг юқори

натижани қайд этди. Сирдарё ва Бухоро вилоятлари 13 тадан, Тошкент шаҳри 12 та, Наманган вилояти эса 11 та натижа билан юқори кўрсаткичларга эришди. Бу кўрсаткичлар худудларда ёшларнинг касбий тайёргарлигига, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилаётган эътиборнинг амалий самарасидир. Айниқса, танловнинг барча қатлам вакилларини қамраб олгани унинг муҳим жиҳатларидан бўлди. Ғолиб ва

совриндорлар орасида техникум ўқувчилари билан бир қаторда маҳаллалардан қатнашган, ўз мустақил йўлини излаётган 16-30 ёшлилар ҳам бор. Бу эса касбий маҳорат ва истеъдод учун имкониятлар барча учун очик эканидан далолат бериб турибди.

Бугун жамиятимизда меҳнатта, касб-хунарга муносабат янгича мазмун билан бойимокда. Чунки тараққиёт фақат олий маълумотли мутахассислар ёки илмий изланишлар билан эмас, балки ўз касбининг устаси бўлган миллионлаб инсонларнинг кундалик меҳнати билан вужудга келади. Бир қарашда оддий кўринадиган, аммо катта масъулият талаб қиладиган касблар мамлакат ҳаётида беқиёс аҳамиятга эга. Яъни ҳар бир касб ортида жамият учун зарур катта масъулият туради. Ана шу ҳақиқатни ёш авлодга сингдириш, меҳнатнинг қадрини англатиш бугуннинг муҳим вазифаларидан.

Бошқа томондан, бундай танловлар ёшларни касбий жиҳатдан ривожлантириш баробарида уларда ватанпарварлик, интизом ва жамоада ишлаш кўникмаларини ҳам шакллантиради. Зеро, ҳақиқий мутахассис фақат ўз ишини биладиган эмас, балки жамият олдидаги вазифаларини ҳам чуқур ҳис қиладиган инсондир.

Шунингдек, замонавий таълим, янги технологиялар ва халқаро тажрибалар билан уйғунлашган касбий тайёргарлик уларнинг нафақат мамлакатимизда, балки халқаро меҳнат бозорида ҳам муносиб ўрин эгаллаши учун имкон беради. Шу нуктаи назардан, “Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” танлови келажак учун муҳим сармоя. Кўплаб ёшлар учун у янги мақсадлар сари йўл очди. Иштирокчилар ўз меҳнати билан катта натижаларга эришиш мумкинлигини, касбга меҳр ва интилиш инсонни юк-

сак марраларга олиб чиқишини амалда ҳис қилди.

Шу йил 8 август куни Тошкент шаҳридаги “Ҳумо Арена” мажмуасида бўлиб ўтган тақдирлаш маросими ана шу меҳнат ва интилишларнинг муносиб эътирофи бўлди. Танлов натижалари асосида шакллантириладиган Ўзбекистон терма жамоаси эса мамлакатимиз ёшларининг касбий салоҳиятини халқаро майдонда намойиш этиш учун янги имконият яратади. Жамоа аъзоларининг WorldSkills International халқаро чемпионатларида иштирок этиши мамлакатимизнинг касбий таълим соҳасидаги ютуқларини намоён этуви муҳим воқеадир.

Замонавий иқтисодиётнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан амалий билим ва кўникмаларга эга мутахассисларга боғлиқ. Ўзбекистон ҳам айнан шу йўналишда изчил ҳаракат қилмоқда. Ёшлар ўз қобилиятини намоён этиш, билимини ошириш ва халқаро даражада рақобатлашиш учун кенг шaroитларга эга. Бунинг учун эса улардан фақат интилиш, меҳнатсеварлик ва доимий изланиш талаб этилади, холос.

Янги Ўзбекистоннинг келажаги ҳам ана шундай ёшлар қўлида. Ўз касбини севган, ўз устиди ишлашдан қарнамайдиган, янгиликка интиладиган ва Ватан тараққиётига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган авлодгина мамлакатимизни янада юксак марраларга олиб чиқади. Шу боис, “Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” касбий маҳорат миллий танловини меҳнатга ҳурмат, касбга эҳтиром, ёшларга ишони ва келажакка қаратилган катта эътиборнинг ёрқин ифодаси десак, янгиликмаган бўламиз. Зотан, янги Ўзбекистонни ўз меҳнати, билими ва бунёдкорлик руҳи билан юрт раванқига ҳисса қўшаётган ана шундай инсонлар барпо этади.

Сўз — танлов ғолибларига



МЕҲР ВА ИНТИЛИШ
ЭЪТИРОФИ

Диёра ЭРҒАШЕВА,
тиббий ва ижтимоий ғамхўрлик
йўналиши ғолиби:

— Тиббий ва ижтимоий ғамхўрлик йўналиши бўйича биринчи ўринни эгалладим. Ростини айтсам, бу мен учун оддий ютуқ эмас, касбимга меҳр ва интилиш эътирофи ҳамдир. Танлов аввалида жуда ҳаяжонландим. Ҳар бир топшириқ соҳа бўйича билим ва кўникмаларимни чуқур синовдан ўтказди.

Тиббий ва ижтимоий хизмат соҳасида бундай танловларнинг ўрни катта. Чунки бу касбда билим ва амалий кўника билан бир қаторда меҳр, сабр-тоқат ва масъулият, инсонни тушуниш қобилияти муҳим. Ушбу танлов эса ана шу сифатларни ўзимда яна бир бор синаб кўриш имконини берди.



Касбимнинг муҳим жиҳати одамларга нафақат профессионал ёрдам кўрсатиш, балки уларни тушуниш, қўллаб-қувватлаш, далда беришдир. Чунки тиббий ва ижтимоий

хизмат соҳасида мутахассис инсон тақдири, дарди ва эҳтиёжлари билан ишлайди. Дард-мандларни кўп учратганман. Уларга бир оғиз ширин сўз қанчалик таъсир этганини кўрдим. Кичик эътибордан қадди кўтарилган, қалби тикланган, энг нозиктаб, меҳрга, алоҳида парваришга муҳтожлар билан ишлаш мени ғурурлантиради.

Касбий танлов мен ва тенгдошларимга қобилиятимизни намоён қилиш, соҳадаги кучли мутахассислардан ўрганиш ва танлаган йўналишимиз бўйича келажакда ривожланишимиз учун имкониятдир. Ундаги ғалаба эса мен учун бу мақсад сари биринчи қадам бўлди.

Танлов ғолиби бўлганим сабабли WorldSkills халқаро мусобақасида қатнашиш имконига эга бўлдим. Ушбу мусобақада ҳам муносиб қатнашиш учун бор куч-ғайратимизни ишга соламиз.

ОРЗУЛАРИМГА ПОЙДЕВОР БЎЛДИ

Санобархон ЭРҒАШЕВА,
модалар технологияси йўналиши
ғолиби:

— Танлов жуда катта таассуротларни тақдим қилди. Жараёнлар шаффоф, экспертларнинг муносабати адолатли, беллашувлар дўстона ва ҳурматга асосланган ҳолда кечди. Албатта, ўз ишининг мутахассислар ва ҳакамлар олдида намойиш қилиш бир оз ҳаяжонли ва масъулиятли. Бироқ жараён давом этгани сари ўзимга ишончим ҳам ортиб борди.

Энг қийини эса ғояни либосга айлантириш эди. Дизайн, ранг, мато ва шакллари бир-бирига уйғунлаштириш керак. Чунки модада нафақат ташқи кўриниш, балки либоснинг қўлайлиги, замонавийлиги ва ўзига хослиги ҳам муҳим. Мен вазифани муваффақият билан қучуриб англадим.

Танлов жараёнида турли иштирокчилар билан мулоқот қилиш, уларнинг тажрибаси ва ёндашувларини кўриш мен учун катта мактаб бўлди. Ҳар бир вазифа янги тажриба, кўплаб ғояларга тўртки берди. Ўз устимда

ишлаш, даражамни ошириш учун тўхтаб қолмасликда бундай танловларнинг ўрни алоҳида. Келажакда каттароқ натижаларга эришиш ниятим бор. Ўзининг брендини яратиш, тайёрлаган маҳсулотларимни экспорт қилиш ниятидаман.

Мода технологияси компетенциясида туртга модуль бор: техник эскиз, макетлаш, моделлаштириш ва тикиш. Вазифаларни шу шартларга мос қилиб бажардик ва ишимиз адолатли баҳоланди.

Замонавий технология мода соҳасини жуда тез ўзгартирмоқда. Соҳага катта энгилликлар кириб келяпти. Ҳозир замонавий дастурларда ишляямиз. Фотосессия учун яхши техникалар мавжуд. Компьютер дастурлари ва сунъий интеллект дизайнер ишини энгиллаштириш мумкин, лекин у инсондек фикрлай олмайди. Соҳамизда одам меҳнатининг ҳиссаси катта. Чунки қўлда қилинадиган ишлар бор. Бу юмушни ҳар доим машина бажара олмайди. Инсон омилнинг иштироки жуда муҳим.

Келажакда ақли ёки янги технологияларга асосланган либослар, сифати аъло кийимлар яратиш ниятим бор. Ўзбекистонни дунёга танитадиган либос, албатта, миллийлик асо-



сида яратилган бўлади. Чунки дунёдаги ҳар бир халққа бошқа халқларнинг миллий либоси қизиқ. Оддий классика ёки спорт формаси эмас. Замонавийлик ва миллийлик асосида тайёрланган либослар мамлакатни машҳур қилади.

Бугунги ғалабамдан кейин энг катта мақсадим — ўз брендимга инвестиция киритиш, ўзбек миллий либослари доврғини дунёга ёйиш, мода технологияси соҳасида салоҳият тенгдошларимни кашф этиш. Бу каби танловлар эса ана шу орзуларимга пойдевор бўлади.

БАХТ, ЭРКИНЛИК ВА
ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

Насруллоҳ МАҲМУДЖОНОВ,
компьютер графикаси ва
дизайн йўналиши бўйича
2-ўрин соҳиби:

— Мазкур танлов мен учун ўзимни синаб кўриш ва билимларимни намойиш этиш учун катта имконият бўлди. Айниқса, тадбир давомида Президентимизнинг биз, ёшларга йўлаган таъриғини тинглар эканман, қалбимда чексиз ғурур ва ифтихор туйғуларини ҳис қилдим. Бу менга янада кўпроқ изланиш ва ўз устимда ишлаш учун кучли руҳ берди.



Танловда намойиш этилган анимацияга илгари ҳеч ким фойдаланмаган Янги Ўзбекистон боғидаги Мустақиллик



БУ МЕН УЧУН МАРРА ЭМАС

Хуршидбек ҲАЙДАРАЛИЕВ,
ошпазлик йўналиши бўйича
2-ўрин соҳиби:

— Ошпазликка ёшлигимдан қизиққанман. Танловда ўрин эгаллашимни, очиги, қутмаган эдим. Бу натижа мен учун катта орзу ва мақсадлар сари ташланган муҳим қадам бўлди. Мени танловга тайёрлаган, ёнимда далда бериб турган устозимдан миннатдорман.

Танлов менга бир нарсани ўргатди. Инсон ўз ишини севиб, унга чин дилдан ёндашса, ўз мақсади сари интилишдан тўхтамас, албатта, яхши натижаларга эриша олади.

Ошпазлик шунчаки таом тайёрлаш эмас, балки меҳр, маҳорат ва ижод уйғунлашган санъат. Мен буни доим ҳис қилиб келганман. Шу боис, жараёнда таом тайёрлаш менга



унча қийинчилик туғдирмади. Албатта, таом тайёрлашнинг нозик жиҳатларига эътибор қаратишга ҳаракат қилдим. Чунки таомнинг таъми билан бирга кўриниши ҳам муҳимлигини билардим. Чиройли кўринган таом иштаҳани очди. Агар маҳсулотлар тўғри

Мен дизайнни фақат тайёр шаблонлар асосида эмас, ўз ғоямни визуал шаклга келтириш имконияти сифатида кўраман. Шу билан бирга, миллий элементларни замонавий дизайн билан уйғунлаштиришга қизиқаман. Танловда иштирок этиш эса жуда катта таассурот ва унутилмас тажриба берди. Аввалига бир оз ҳаяжонландим. Чунки иштирок этишимнинг ўзи мен учун катта масъулият эди.

Ғолиблик нафақат қувонч, балки янада кўп изланиш, ўрганиш ва янги ижодий ишлар учун катта рағбат бўлди. Менимча, бу — ҳали бошланиш. Олдинда катта марралар кутмоқда ва бундан-да яхшироқ ишлар қила олишимга ишонаман.

уйғунлаштирилса, кўриниши ҳам, мазаси ҳам бетакрор бўлади. Бундай таъм одамларга хушқайфият ва ажойиб хотира улашади.

Танлов жараёнида бошқа тенгдошларимнинг маҳорати ва ижодий ёндашуви ҳам менда катта таассурот қолдирди. Жараёнлар эса янада кўп изланиш, ҳатолардан сабоқ чиқариш, маҳоратимни оширишга хизмат қилади.

Ғалабамдан жуда хурсандман, бироқ бу мен учун марра эмас. Аксинча, янги ибтидо. Энди янада кўп изланиш, ўрганиш ва ўзимни ривожлантиришга ҳаракат қиламан. Энг муҳимни, янги инсонлар, янги тажриба ва ўз кучимга ишонч ортгани бўлди.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Рисолат МАДИЕВА ёзиб олди.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news

ЖАРАНГЛАБ ОЧИЛГАН

Обод манзиллар

Тошкентдан Бухорога йўл олган тезюрар “Афросиёб” поезди уч ярим соатда Навоий шахрига етиб келди. XIX асрда бу йўлда карвонлар оилаб юрган бўлса керак. Улар тунларда юлдузларга, кундузлари махсус йўл белгилари сифатида терилган тошларга қараб йўлни белгиллаган. XX асрнинг поездлари бу масофада оқшом йўлга чиқиб, тун билан йўл босиб, манзилга эрталаб етиб келган. У поездларда юрганлар билади: йўловчи вагонлари тор, бадбўй, ўринлар кир-чир бўларди. XXI асрнинг “Афросиёб”и эса шамолдек елиб боради, атрофни кўриб улгурмайсиз. Бу — янги Ўзбекистон тараққиёти суръати ва шиддатининг тимсоли.



Салим АШУР,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг йўлланмаси билан Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, таниқли шоир Ғайрат Мажид, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон, филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жаббор ва каминадан иборат ижодий гуруҳ улут шоир номи билан аталган виллоятта Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги олдидан бўладиган тадбир ва маросимларда иштирок этиш учун йўл олганмиз. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига кўра, маданий-маърифий анжуманлар, адабий учрашувлар, тантаналар “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажақ яратамиз!” деган бош ғоя асосида нишонланмоқда.

Вилоят, айниқса, Навоий кон-металлургия комбинати билан машхур. Бугун корхона фаолиятига инновациялар ва илмий-амалий ёндашувлар изчил жорий этилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида янги қувватлар учун зарур ускуна ва жиҳозлар комбинатнинг ўзида ишлаб чиқаришмоқда. Дастгоҳсозлик, қуймакорлик, машинасозлик учун ускуна ва дастгоҳлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган Навоий машинасозлик заводида импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Навоийнинг яна бир ўзига хос жиҳати табиат мўъжизаси бўлган Қизилқумнинг катта қисми шу виллоят ҳудудига тўғри келади. Қизилқум — чўл. Катта чўл. Катталиги шунчалкики, бир одам у четидан бу четигача яёв босиб ўтолмайди. Меҳнаткаш ва заҳматкаш аждодларимиз бу чўлда асрлар давомида умргузаронлик қилган. Туя, қўй, йилки боққан. Айрон, қимиз, шубат ичиб, дўмбира чертиб, ўз ҳаёти тўғрисида дostonлар яратган. Бу дostonлари тинглаганда, узок-яқин аждодларимизнинг орзу-армонлари, қувонч-ташвишлари, муҳаббат ва нафрати қалб кўзингиз олдидан тизилиб ўтади, қулоққа олисонлисан отлар дупури, туяларнинг бўкириши эшитилади.

Ижодий сафаримиз комбинатнинг 7-гидрометаллургия заводи ишчи-хизматчилари ҳузурида маданий-маърифий учрашув билан бошланди. Аввало, завод ҳаёти, ишлаб чиқариш қувватлари, ходимлар учун яратилган қулайлик ва шарт-шароитлар билан аяқдан танишдик. Узок-узоклардаги олий ўқув юрталари эмас, айнан Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети ушбу завод учун малакали муҳандис кадрларни етказиб бераётгани, ишлаб чиқаришдаги барча мураккаб технологиялар жараёнларини асосан ана шу дорилфунунда таълим ва таҳсил олган биллимон, зукко, ихтирочи ёш мутахассислар бажараётгани бизни қувонтирди.

Навоий кон-металлургия комбинати ўн минглаб ишчи-хизматчиси, мутахассис

ва муҳандислари, техника — машиналари, минглаб гектар майдон-ерлари билан бундайроқ — ихчамроқ бир мамлакатга тенг ҳудудда қишда суякни қақшатадиган совуғи, ёзда илиқни қайнатадиган иссиғи билан — бутун бор-йўқ нарсаси билан ягона вужуд бўлиб, битта тана бўлиб нафас олади, ўн минглаб юрак бир орзу, бир мақсад билан — битта юрак бўлиб тепади, битта юрак бўлиб яшайди. Беҳад улкан корхонанинг нариги четидаги иш жараёни билан боғлиқ бир оддий ҳаракат унинг бу четидаги биргина меҳнат ҳодисаси билан уйғун келади. Энг чекка кондаги энг чет экскаватор қовшига олган тиллақумни пўлат рельсларда махсус вагонлар, вагонлари баҳайбат элаклар, элакларни баҳайбат тегирмонлар, тегирмонларни баҳайбат печлар, печларни баҳайбат қопиллар қутиб туради. “Қилт” этган бир ҳаракат, бу ҳудудда ҳатто беташвиш қапалақнинг қанот қоқиши ҳам улкан ҳажм ва миқёсдаги ишлаб чиқариш ташвишларига мос ва мувофиқ келади. Бу ҳудудда кечади-лар барча қимёвий, физик, табиий ҳодисалар, жараёнлар бир-бирини тақозо этади, бири-биридан келиб чиқади ёки биринчиси бўлмаса, кейингиси ҳам бўлмайди.

Навоий кон-металлургия комбинати бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Қувонғи Санақулов қорхонанинг энг муҳим хусусияти ҳақида бундай дейди: “Биз айрим ўлкалардаги ҳамкасбларимизга ўхшаб, замон



эврилишларидан келиб чиқиб, бир қисм ходимларини қисқартириш эвазига бошқа тоифадаги ходимларнинг маошини кўтармадик. Бизнинг одамларимиз учун ойликдан ҳам муҳим нарсаси бор, бу — инсон қадрини. Инсон қадр топган жойдагина рационализиаторлик кашфиётлари, ихтиролар бўлади. Шу мезонга оғишмай амал қилинса, меҳнат унуми ва самараси ҳам юқори бўлади”.

Дарвоқе, 7-гидрометаллургия заводи ишчи-хизматчилари ҳузурида шоирлар Ғайрат Мажид, Рустам Мусурмон мустақиллигимизнинг 35 йиллигига бағишлаб ёзилган янги — сиёҳи қўримаган шеърларидан ўқиди. Адабиётшунос олим Нурбой Жаббор мутафаккир шоир Алишер Навоий ижодининг теран миқёси ҳамда бутун учун аҳамияти хусусида фикр юритди. Учрашув чоғида мамлакатимиздаги ислохотлар, янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, давлат мустақиллигининг тарихий аҳамияти, миллий адабиётимизнинг инсон маънавиятини юксалтиришдаги ўрни, китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш сингари долзарб ва муҳим мавзуларда айланган суҳбат қизигандан-қизиди. Ташқаридан ҳаво ҳарорати — 40°, совиткич — кондиционер салқинидаги суҳбат ҳарорати ундан ҳам юқори...

Кончилик ишини миридан-сиригача эгалаган малакали ва тажрибали мутахассис муҳандислар оламага маълум ва машхур Мурунтов қонида бизга иш жараёни — қонда

тоғ жинсларини қазиш ва ташиш, замонавий кончилик техникаларининг бир маромда ишлашини ташкил этиш билан боғлиқ мураккаб иш услуби тўғрисида гапириб берди. Энг ноёб жиҳати, бир замонар одам юрса оёғи, қуш урса қаноти қўйган Қизилқум бағрида турли қимматбахо металллар, нодир маъданлар сероб. Мурунтов қаёғида эса олтин зарралари яширинган қадим-қадимдан маълум бўлган. Шу поёнсиз қумда Мурунтовга етиб олгунча чўл бағридаги неча-неча қудуқдан сув ичишга тўғри келган. Бу ерда бир қафт ёки бир ҳовуч эмас, йирик кон мавжудлигини биринчи бўлиб машхур ўзбек маъданшунос олим, бекиёс ватанпарвар геолог Ҳабиб Абдулла аниқлаган эди.

Асрларни қаритган Қизилқум бағридаги тилла қонида бутун жадал ва қизгин бораётган иш жараёнини кўриб, қузатиб, ақл шошади. Кон улкан қозонга ёки катта ўчоққа ўхшади. Кон тубида ўзининг оғирлиги 200 тонна, юк кўтарши қобилияти 250 тонна бўлган “БелАЗ” машиналари гўгургут қутисидан сал каттароқ кўринади. Ана энди коннинг на-

қадар катта, маҳобатли эканини тасаввур қилаверинг. Пастда улкан экскаваторлар наъра тортиб ишлайди, улкан машиналар қузовига қимматбахо маъдан яширинган қумни қовшлаб ортади. Машиналар “қозон”нинг чет қирғоғи тасмадек кесиб очилган йўлда айланиб, ваэин юкни тепага олиб чиқади ва дастлабки ишлов бериладиган ўринга ёки белгиланган жойга тўқиб қайтади. Узлуksиз давом этадиган бу жараёни кўриб, инсоннинг ақли, тафаккури, топқирлигига тасанно айтасиз. Ҳозир кўкда — қонингда, денгиз-уммонда милсиз даражада қучли кемалар сузиб юрибди. Коннинг спиралсимон “қовурғаси”ни айланиб, тепага чиқаётган қудратли “БелАЗ” машиналари ҳам қонинг кемаларидан қолишмайди. Фарқи шуки, бири фазода, бири Ер бағрида сузади. Энг муҳими, шу гигант техникаларни бошқараётган, ишлатаётган ва қаловини топиб таъмирлаётганларнинг барчаси ўзимизнинг қорақўз, оққўнгил юртдошларимиздир.

Навоий кон-металлургия комбинати Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларини оталиққа олган. Мазкур шаҳарлардаги бунёдкорлик, ободонлаштириш, қурилиш ишларида комбинатнинг бегараз улуши мавжуд. Шу жиҳатдан Зарафшон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маҳалла ҳам замонавий, гўзал қиёфа касб этган. Йўл — йўлдек, йўлак — йўлакдек ястаниб кўзга ташланади. Гулу гулзор, бог-роғлар бир-бирига қўл узатган, ойдин кечаларда тунчиқроқлар

хиёбонларни ёритади. Беш йил олдин ихчам, замонавий типда маҳалла кутубхонаси қурилган эди. Кутубхона фонди бой, картотекадан маълум бўлдики, унинг аъзолари кам эмас.

Биз юқорида виллоят, айниқса, Навоий кон-металлургия комбинати билан машхур деган эдик. Виллоятнинг яна бир ўзига хос жиҳати, бу — унинг кўп миллатли эли. Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги ҳамда Халқлар дўстлиги куни муносабати билан Навоий кон-металлургия комбинати бўлинмаларида ватанпарварлик, миллатлараро тотовулик ва халқлар дўстлиги ғояларини кенг тарғиб этишга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди. Байрам тадбирларида шоир ва ёзувчилар, олим ва мутахассислар, санъаткор ва сўз усталари иштирок этди. Кейинги йилларда юртимизда миллатлараро тотовулик ва баргиреклигининг ўзига хос ибратли модели яратилган ушбу тадбирларда яна бир қарра ўз исботини топди. Айни мавзуда сўз борганда, аввало, бундан беш йил муқаддам давлатимиз раҳбари “Халқлар дўстлиги кунини” белгилаш тўғрисида”ги қонунни имзолаганини эслаш ўринли бўлур эди. Шундан буён мамлакатимизда ягона ва ақил оила бўлиб яшаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари 30 июлни байрам сифатида нишонлаб келади. Мазкур байрам — Халқлар дўстлиги кунини халқимизнинг тинчлик, дўстлик ва эгулик ғоялари мужассам бўлган бой маданияти, урф-одат ҳамда анъаналарини аққол намойиш этади.

Учқудуқ тумани маданият саройида Халқлар дўстлиги кунига бағишланган “Ўзбекистон — ягона Ватан!” мавзусида “Бир уй, бир тақдир, бир оила” шиори остида, Шимолий кон бошқармаси ишчи-ходимлари, ҳарбийлар ва маҳаллий аҳоли иштирокида дўстлик фестивали ўтказилди. Маданият саройи жамоалари томонидан ўзбек, рус, қозоқ, татар тилларида куй-қўшиқлар янгради, миллий анъаналар намойиш этилди. Шоир ва таржимонлар бошқа тиллардан она тилимизга, ўзбек тилидан бошқа тилларга қилинган таржима



асарларини ўқиб берди. Бундай асарлар, шубҳасиз, ягона Ўзбекистон ғояси асосида юртимизда осойишталик ва барқарорлик, Ўзаро ҳурмат ва тотовулик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Учрашувлар, мулоқотлар давом этади. Биз кўрмаган жойларимизни, бир-бирдан ғаройиб ишлаб чиқариш жараёнларини кўришга қизиқамиз. Билмаган нарсани билишга интилиш — инсонга хос хусусият. Бу борада 5-гидрометаллургия заводи ҳақидаги маълумот ва хабарлар қизиқишларимизни янада қучайтиради.

5-гидрометаллургия заводини улкан қорхонанинг юраги дейиш мумкин. Бу “юррак” 2017 йилда ишга туширилган, юз фоз автоматлаштирилган, ярим тайёр маҳсулот етказиб беради, яъни чиқинди сув қайта ишланиб, олтин олинади. Заводда ҳаммаси маҳаллий ишчи-хизматчилар, ўзимизнинг муҳандис олимлар. Янги кашфиётлар, рационализаторлик ишланмалари, ихтиролар ишлаб чиқаришга ҳеч бир тўсиксиз жорий этилади. Шу маънода, қўшимча техника ва технологиялар инсонга ёрдам беради. Сунъий интеллект кучидан оқилона фойдаланилади. Завод бундан муҳандиси Санъат Кароматовнинг айтишича, “Технология борасида Ўзбекистонда бошқа бундай замонавий завод йўқ”.

Бизни Ишчилар шахарчасига таклиф этишди. Тоза-озодалиги, саранжом-сарништалиги, тартиб-интизом билан Қосмонавтлар шахарчасига ўхшади. Бунда ҳамма нарсаси бадастир, ҳамма нарсаси муҳайё. Бунда ишчи-хизматчилар дам олади, ётиб туради, ашайди.

Сафаримизнинг биринчи кунини 7-гидрометаллургия заводи ишчи-хизматчилари билан бирга уларнинг қурилиш ошхонасида тушлик қилгандик. Аввало, ишчиларнинг қурилиш қозонаси бу даражада тоза, озода, тартибли бўлишини хаёлимизга келтирмаган эдик. Мана, кенг-мўл дастурхонда сут, қатиқ, ҳўл ва қуруқ мевалардан шарбатлар, турли салатлар, биринчи-иккинчи — суюқ-қуюқ овқатлар, шу ерда пиширилган, иссиққина, бўрсилдоқ нон... бари-бари жуда сифатли, тўйимли. Баян катта шаҳарларнинг энг гўзал ресторанларида ҳам бундай ҳиммат-саховат билан қозон-қаппирдан ўтган ош-овқатга дуч келар-вермайсиз...

Фурсат етиб, мана, энди Аувминзо-Амантай қони ҳудудидамыз. Кон тўнкарилган осмонга ўхшади. Бу “осмон”да улкан “БелАЗ”лар ҳаракатдаги митти юлдузлар сингари ортидан само эми, замин чанг-ғуборини қолдириб, юқорига илгариланайди. Кимдир ўхшатиш қилади: шоирлар сўз қонидан олтин изласа, заршунослар замин бағридан олтин излайди. Маънавият

меҳнатнинг муносиб натижасидир.

Ижодий сафаримиз таассуротларга бой бўлди. Биз қисқа сафар давомида Қизилқум — жонажон Ўзбекистонимиз, янги Ўзбекистоннинг олтин сандиги эканига яна бир қарра амин бўлдик. Бу битмас-туганмас хазинанинг қалити Навоий кон-металлургия комбинатининг ақли — ўткир, илми — кескир, шижоатли, фидойи, меҳнаткаш, чин ватанпарвар ишчи-хизматчилари, мутахассис-муҳандисларнинг қўлида эканига ишонч ҳосил қилдик. Шу боис, ушбу олтин дафна-сандиқлар жаранглаб очилиб, уларнинг ганж-хазинаси эртанги қуниимизни янада фаровон, юртимизни янада обод қилишга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек қутлуг ва эзгу ишга хизмат қилмоқда.

Халқимизнинг тил ва тафаккур хазинасида “Олтин зангламас” деган ҳикमत бор. Демак, яхши сўз, яхши шеър, яхши фикр, яхши одам, яхшилик ҳеч қачон тангалламайди, эскирмайди.

Навоий кон-металлургия комбинатининг деҳқончилиги — зар тилла, ҳосили — олтин. Бу ҳосилни етиштираётганлар — заршунослар, олтиншунослар.

Ҳосилингизга барака берсин, эй заршунос, олтиншунос Деҳқон бобо!

бўлса-да, бир-бирига ўхшамаган соволлар бериб, бир-бирига ўхшамаган мулоҳазалар билдирди. Шоир Рустам Мусурмон халқона оҳангларида, ўзига хос услубда жаранглайиб “Ватаним” шеърини ўқиганда:

Кундуз қуёш, кечалари ой берган-ей,

Қирқ кечалоб қўноқ бериб, тўй берган-ей,

Меҳмонларга уй тўридан жой берган-ей,

Оҳува-ҳай, Ватаним-ай,

Оҳува-ҳай, Ватаним!

сатрларини эшитиб, бош маркшейдер ўринбосари Хайрулла Абдурахимов жойида ўтиролмади, ўрнидан туриб кетди:

— Болалигимни, қишлоғимни ёдга солган бу шеър ҳудди мен учун ёзилгандек юрагимни забт этди. Болалигимизда бобо-момоларимиздан эшитиб, “оҳува-оҳува...” деб қўшиқ, терма айтиб, толхивичдан “от” миниб, кўча чангитиб чопиб юрардик. Тўғриси айтсам, шу шеърни эшитиб, уйимга — Сурхондарёга бориб келгандек бўлдим.

Нурота тумани ҳудудида жойлашган 6-гидрометаллургия заводи иш бошлаганига қарий беш йил бўлди. Ушбу заводга ҳомаёш Пистали қонидан олиб келинади. Коннинг эни — 1200 метр, узунлиги — 1800 метр, чуқурлиги — 150 метр. Лексин бу ҳажм, бу ўлчовлар қатъий эмас. Нурота тоғ тизмалари ўрганилиб, кон тобора ўзлаштирилгани сари айна кўрсаткичлар ортиб боради. Қонда гувилаб ишлатган техникалар унча-бунча эмас, нақ Олимпиадани келтирилган. Тан бериладиган жиҳати — уларнинг чамбарағи, бошқарув тугмаси маҳаллий шароитда қамолга етган мутахассислар қўлида. Улар узоклардан келмаган, шу қадим Нуротадаги Қизилча, Темирқоққоқ қишлоқларининг меҳнаткаш одамлари.

Нурга чулганган зиёратгоҳи билан етти иқлимга маълум ва машхур Нурота туманида, 6-гидрометаллургия заводида тегилли ҳудудда 115 гектар қўриқ ер ўзлаштирилиб, бoғ барпо этилган. Янги боққа Ҳазрат Алишер Навоий номи берилган. Мазкур боғда ҳар хил — қиш ва ёзнинг кескин иқлимига чидамли мевали ва манзарали дарахлар ўстирилади. Шундай катта ҳудуддаги бoғ кучли моторли насослар воситасида ер остидан чиқарилган сув билан томлилатиб сугорилади. Ғазал мулкнинг сунтони сўздан бoғ яратган, сўз бoғини яратган. Инсонлар — йўловчилар, беморлар, муҳтожлар баҳраманд бўлсан деб яна қанча-қанча бог-роғлар, хиёбонлар бунёд эттирган. Биз ҳайрат ила кузатиб турган ушбу бoғ ҳам нимаси биландир ўша бoғларни эс-латмайдики?

6-гидрометаллургия заводининг Ишчилар шахарчасида ҳам ишчи-хизматчиларга яшаш ва дам олиш учун яратилган имкониятлар билан танишдик. Шарт-шароитларни кўриб, “Яхши дам — меҳнатга ҳамдам”, деган ҳикмат бежиз айтилмаганга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Қўнгилдагидек ҳордиқ чиқарган ишчининг меҳнат унумдорлиги юқори бўлади. Унумли ва самарали меҳнат эса муносиб рағбатлантирилади. Комбинат ишчи-хизматчилари орасида фахрий унвонлар билан тақдирланганлар, давлат мукофотлари билан сийланганлар, бошқа турли эътирофларга сазовор бўлганлар қўлиги ана шундай фидойи меҳнатнинг муносиб натижасидир.

Ижодий сафаримиз таассуротларга бой бўлди. Биз қисқа сафар давомида Қизилқум — жонажон Ўзбекистонимиз, янги Ўзбекистоннинг олтин сандиги эканига яна бир қарра амин бўлдик. Бу битмас-туганмас хазинанинг қалити Навоий кон-металлургия комбинатининг ақли — ўткир, илми — кескир, шижоатли, фидойи, меҳнаткаш, чин ватанпарвар ишчи-хизматчилари, мутахассис-муҳандисларнинг қўлида эканига ишонч ҳосил қилдик. Шу боис, ушбу олтин дафна-сандиқлар жаранглаб очилиб, уларнинг ганж-хазинаси эртанги қуниимизни янада фаровон, юртимизни янада обод қилишга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек қутлуг ва эзгу ишга хизмат қилмоқда.

Халқимизнинг тил ва тафаккур хазинасида “Олтин зангламас” деган ҳикमत бор. Демак, яхши сўз, яхши шеър, яхши фикр, яхши одам, яхшилик ҳеч қачон тангалламайди, эскирмайди.

Навоий кон-металлургия комбинатининг деҳқончилиги — зар тилла, ҳосили — олтин. Бу ҳосилни етиштираётганлар — заршунослар, олтиншунослар.

Ҳосилингизга барака берсин, эй заршунос, олтиншунос Деҳқон бобо!

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълолар бўлими: (71) 233-70-98

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан ўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Т-846.
29345 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида басилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳис: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 20:40 Топширилди — 22:35



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АССОЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ
УЧУН МАЗКУР QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

